



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октайни қабул қилди.



Икки мамлакат амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда етакчи корхона ва компанияларнинг янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Туркия дўстлик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларида олий даражадаги мунтазам ва сермахсул мулоқот тўғрисида эришилган бугунги даражани юксак баҳолади.

Ўз навбатида, вице-президент Фуат Октай илиқ қабул учун Ўзбекистон етакчисига миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Туркия компания ва инвесторларнинг мамлакатимиздаги фаолиятига кўрсатилаётган катта кўмак учун алоҳида миннатдорчилик билдирилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг

ривожланиш суръати ва пандемия оқибатларини енгиб ўтиш борасида кўрилаётган чоралар алоҳида таъкидланди.

Хусусан, йил бошидан турли даражалардаги алмашинув ва мулоқотлар фаоллашди, ўзаро савдо ҳажми ва қўшма инвестиция лойиҳалари сони муттасил ортиб бормоқда. Бугун бўлиб ўтган қўшма Хукуматлараро комиссиянинг тадбирлари ва бизнес вакиллари иштирокидаги ишбилармонлик

дастури яқунлари мамнуният билан қайд этилди.

Тошкент шаҳрида ўтайдиган Стратегик ҳамкорлик кенгаши иккинчи йиғилишининг кун тартибини ҳар томонлама тайёрлаш муҳим экани таъкидланди. Булар, энг аввало, товар айирбошлаш ҳажми ва кооперация кўламини ошириш, Преференциал савдо тўғрисидаги битимни қабул қилиш, қўшма саноат зонасини ташкил этиш, Туркиянинг илгор тажрибаси,

билим ва технологияларини фаол жалб қилган ҳолда рақамлаштириш, таълим ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги дастурларни илгари суриш масалаларидир.

Минтақавий шериклик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

МИС САНОАТИ КЛАСТЕРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 июнь куни мис ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда саноат кластерини ташкил этиш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Охириги 5 йилда мамлакатимизда мис ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5 баравар ошиб, 2020 йилда 148 минг тоннага етган. Лекин ундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш ишлари етарли эмас. Хусусан, миснинг қарийб 60 фоизи хомашё сифатида экспорт қилинмоқда.

Халқаро экспертларнинг фикрича, электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб дунёда мисга бўлган талаб 40 фоизга ошиши кутилмоқда.

Мисдан келадиган даромад бугунги кунда 2,5 миллиард долларни ташкил этаётди. Келгуси 5 йилда мис ишлаб чиқариш ҳажмини 400 минг тоннагача етказиш орқали, бу кўрсаткични турдош тармоқлар билан бирга 7-8 миллиард долларга етказиш мумкин.

Шу мақсадда, 24 июнь куни кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Қарорга мавофиқ, Мис саноати кластери ташкил этилиши белгиланди ва Бош вазир раҳбарлигида Махсус комиссия тuzилди.

Йиғилишда ушбу стратегик вазифани амалга ошириш чоралари кўрсатиб ўтилди.

Аввало, рангли ва ноёб металллар учун геология-қидирув ишларини кенгайтириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Соҳада лойиҳа ва муҳандислик хизматларини ривожлантириш учун етакчи халқаро компанияларни жалб этган ҳолда, замонавий лойиҳа

институтини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Юртимизда тоғ-кон ускуналари ва жиҳозларини ишлаб чиқаришни ҳамда уларга сервисни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Комбинатларда автотранспорт, рақамлаштириш каби алоҳида фаолият турлари хусусий секторга кооперация ва аутсорсинг асосида берилди.

Ноёб металллар ва қотишмалар бирлашмасида металл қотишмалар тайёрлаш, “Узэлтехсаноат” корхоналарида маиший техника, компьютер, аккумулятор батареялар, электромобилларнинг бутловчи қисмлари каби юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Инновацион ривожланиш вазирлигига соҳа корхоналарининг фаолиятини илмий-тадқиқот ва амалий инновация ишлари билан узвий боғлиқликда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топширилди. Кластернинг ҳар бир бўғини учун олий маълумотли муҳандис-технолог ҳамда ишчи мутахассисларни тайёрлаш, шу мақсадда етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди.

Малакали мутахассисларни жамлаб, мис саноати кластерини ташкил этиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш, халқаро компанияни жалб қилган ҳолда, геология ва кон-металлургия соҳасини ривожлантиришда стратегик йўналишларни белгилаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Бахтли қизнинг ҳикояси:

“ПРЕЗИДЕНТ МЕНГА УМИД БЕРДИ, ЯНГИ ҲАЁТ, БУЮК БАХТ УЛАШДИ”



Азиза онаси Адолат опа билан 12 йилдан буён ижарама-ижара сарсон яшади. Кейинги йилларда Сергели туманидаги бувисининг кичик томорқасидаги эски тикув цехини мақон қилишди. Она-бола зах жойда кўрқиб, уйқусида ҳаловат бўлмай тонг оттирарди.

▶ Давоми 2-бетда



ҚАРОРГА ШАРҲ

ҚИЙНОҚЛАР — ИНСОНИАТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

Ўзбекистон Президентининг янги қарори қийноққа солишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган

Президентимиз 2021 йил 26 июнь куни “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.



▶ Давоми 3-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

МАЪНАВИЯТНИ АНГЛАШ — ИНСОННИ АНГЛАШ

ёхуд “огоҳлик қўнғироғи”га қандай муносабат билдираёмиз?

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Биз бугун янги Ўзбекистонни барпо этиш, инсон эркин ва фаровон яшайдиган жамяят қуришга жиддий киришганмиз, барча соҳаларда чуқур ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Ушбу вазифаларни адо этиш ҳар бир инсондан, айниқса, ёшлардан ўзини англашни, ўзини ўзи тафтиш эта олиш, тўғри ва адолатли хулосалар чиқаришни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу ўта мураккаб жараён мамлакат раҳбари ҳамда бутун жамяят диққат марказида турибди.



▶ Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Бахтли қизнинг ҳикояси:
“ПРЕЗИДЕНТ МЕНГА УМИД БЕРДИ, ЯНГИ ҲАЁТ, БУЮК БАХТ УЛАШДИ”

Азиза Самигова Президент совға қилган янги уйда.



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

Кичик цех, ташвишларга тўла ҳаёт, аммо қалбада катта орзулар яшаётган муштипар қиз — Азиза онаси билан нене қийинчиликларни бошидан ўтказмади. Тиричилик учун она-бола ташландиқ жойларда деҳқончилик ҳам қилди, кунимизга ярар, деб терак экти, сўнг йиллаб бу тераклар ўсишини кутди. Кимлардир уларни кесиб ҳам кетди. Баъзан алда-

нишди, панд еган вақтлари ҳам кўп бўлди. Лекин иродаси синмади.

Адолат опа тунлари йиғлаб чиқди, ўзининг кўргулиги учун йиғлади, қизининг тақдирини қайғуриб йиғлади, жондан азиз фарзандининг баъзан оч қолиб, тунлари дийдираб чиқшидан эзилиб йиғлади. Лекин ношукр бўлмади...

“ТАҚДИРНИНГ ҲАР БИР СИНОВИДА АЛБАТТА, ҲИКМАТ БОР”

Бир куни Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Ёшлар дафтари” ҳақидаги хабарни эшитган Адолат опа маҳалла идорасига борди. Азиза шу дафтарга киритилди. Унга ажратилган имтиёзли кредит эвазига

3 та замонавий тикув машинкаси сотиб олди. Сўнг буюртмалар топиб, иш бошлашди.

Кутилмаганда Азизанинг орзулари ва фикрлари ҳақидаги видеолаваха Президентимиз Шавкат Мирзиёев эътиборига тушди. Ҳаммаси оталарча меҳрли эътибордан бошланди.

Эртдаги орзуларнинг ушалиши ҳақида кўп ўқиганмиз. Лекин Азиза ва Адолат опа ҳаётидаги бугунги янгилик ҳаётда, хусусан, Сергели туманида, куни кеча рўй берди.

Президент уларга Янгиҳаёт тумани “Янги Чоштепа” маҳалласидаги замонавий массивдан 3 хонали уй совға қилди. Бу уйда Азиза ва Адолат опа янги ҳаёт бошлади.

Шу муносабат билан маҳаллада тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдуҷаббор Абдувоҳидов, Президентнинг матбуот котиби Шерзод Асадов, Маҳалла ва билани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маруфова, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев ва кенг жамоатчилик вакиллари янги уйни ҳаёт синовларини машаққатла, лекин мардонорвон энгиб келаётган она-болага катта эҳтиром билан топширди.

Шу маросимда Азиза учун яна бир қадрли совға бўлди. Бу — давлатимиз раҳбарининг унга йўллаган мактуби.

Тантанали тадбирда давлатимиз раҳбарининг мактубини Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди ва Азизага топширди.

Президентимиз ўз мактубида Азиза ҳаётининг турли синовларида ҳам келажакка қатъий ишонч ва умид билан қараётгани, ёш тадбиркор сифатида бошқаларга ўрнак эканини оқшайганини, Жумладан, мактубда “...тақдирнинг ҳар бир синовида, албатта, ҳикмат бор. Ҳаёт қийинчиликлари инсонни янада кучли қилади. Шубҳасиз, бу синовли кунлар ҳам ўтмишга айланади. Шунинг билан, сиз ҳеч қачон ёлғиз эмасиз. Сизнинг тисолинингизда барча шижоатли ёшларимизнинг мақсадлари амалга ошиши учун доимо ёрдам қўлини чўзамиз”, деган ниҳоятда қадрли жумла билан битилган эди.

“ВАТАНИМГА КЕРАК ЭКАНИМИНИ ҲИС ҚИЛДИМ”

Азиза САМИҒОВА:

— Ҳали болалигимдан бошимизга кўп қулфат тушди. Она-жоним билан қандай оғир, мусибатли кунларни кўрмадик. Мактабдан чиқиб онамга ёрдамга шошардим. Далада ишлади, кўлундай, картошка экти, кун кўриш учун тинмай меҳнат қилдик.

Қорнимиз тўймаган кунлар ҳам бўлди. Оч юрдик. Баъзан гуруч, макарон қайнатиб едик. Шунда ҳам нолимадик. Фақат ёруч кунлар илинжида ҳаракат қилдик.

Шу йил бошида “Ёшлар дафтари”га киритилганимдан сўнг ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Кредитга тикув машинкалари олиб, кечаги кунгача ўзимиз яшаб турган цехни ишга туширдик.

Ҳалигача ўзимга ишона олмаяпман. Наҳотки Президентимиз бизга уй совға қилди, деган масрура уй ҳаёлимдан бир сония бўлса-да кетмаяпти.

Президентимизнинг менга мактуби-чи?! Оқддий қизнинг давлат раҳбаридан мактуб олиши қандай бахт!

Мен мактубни ўқиб, тўғри йўлда эканимни англадим. Ватанимга керакли фарзанд эканимни ҳис этдим. Ҳаммаси учун миннатдорман. Президентимизга чексиз раҳмат айтаман, бир умр алқаб яшайман.

Азиза бугунги кунга меҳнат, сабр ва шўқроналик билан эришганини айтади. Унинг онаси эса ишлари юришиб кетса, бир вақтлар ўзи каби қийналган одамларга ёрдам бериши ҳақида гапирди. “Пулми кўпайиб кетса, қийналган одамлар уй олиши учун ҳеч қурса биринчи тўловига ёрдамлашман”, дейди опа.

Биз эса уларнинг нияти амалга ошишига ишонамиз. Чунки давлатимиз раҳбари топшириғига қўра, Азиза ва унинг онаси тадбиркорлик қилаётган настамга на жой таъмирланиб цехга айлантирилган бўлди. Адолат опа бу ерда янги иш ўринлари очиб, маҳалладаги аёлларни иш билан таъминламоқчи.

Ҳа, шундай ажиб воқеанинг гувоҳи бўлдик. Эзгуликнинг қаноти бор,

дейишади. Президентимизнинг Азизага уй совға қилгани, мактуб йўллагани мамлакатимизга овоза бўлди. Бу кейинги йилларда бошланган, бугун янада кўр олаётган халқчил сиёсатнинг ёрқин намунаси эди.

Улуғбек АСРОПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Азиза Самигованинг аввал яшаган жойи.



ХАЛҚИРО ФОРУМДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТИТОВЛИК ЧОРРАҲАСИ



Наврўз РИЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты

Президентимиз ташаббуси билан бошланган шиддатли ўзгаришлар жамиятимиз, давлатимиз ривожланишининг янги мафқураси, таъбир жоиз бўлса, ўзгача парадигмасини белгилади. Учунчи Ренессанс даври бошланаётган Ўзбекистон мутлақо янги муҳитда тараққиётга юз тутмоқда.

Маърифат, дин ва виждон эркинлиги таъминланган юрда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда, дўст, иноқ бўлиб, умргузаронлик қилмоқда.

Ўзбекистон барча соҳаларда очик мамлакат сифатида жаҳон сиёсий майдонидан муносиб ўрин эгаллаяпти. Энг муҳими, мамлакатимизда инсонпарварлик сиёсатининг амалга оширили-

ши натижасида миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, шу заминда яшаб меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадр топди.

Утган ҳафта охирида Самарқандда бўлиб ўтган “Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлашда парламентнинг роли” мавзусидаги форумда мазкур тушунчалар атрафида мулоҳаза юритилди.

Миллатлараро тотувлик, дин ва эътиқод юксаклигини таъминлаш айна замоннинг муҳим вазифаларидандир. Аҳамиятлиси, янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик, деган пурмаъно го юртдошларимиз онгу тафаккурида, уларнинг ҳаётий қарашларида ўзининг ёрқин ифодасини топяпти.

Бугун Ўзбекистон эришаётган ютуқларда саховатли заминда яшаб, ижод қилиб, ҳалол меҳнат билан бошқаларга ўрнак бўлаётган барча миллат вакиллари муносиб ҳиссаси бор. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат ахли мустаҳкам дўстлик ришталари атрафида яшаб, ўз орзу-истаклари рўйбичи кўрмоқда. Мамлакатимиз мактабларида болаларга 7 тилда таълим берилади. Телекурсув ва радиоэшиттиришлар 12 тилда эфирга узатишмоқда ҳамда 10 тилда газета ва журналлар чоп этилмоқда. Кейинги йилларда турли миллатларнинг 150 нафар вакили давлатимизнинг юксак мукофотлари — орден ва медаллар билан тақдирланди. Шулардан 5 нафари Ўзбекистон Қўрамони деган юксак унвонга муносиб топилган.

Форумда айна даврда динлараро бағрикенглик ривожланиб, умумбашарий аҳамият касб этиб бораётгани тўғрисида унинг мазмунан теранроқ аниқлаш зарурати юзага келгани таъкидланди. Зеро, динлараро бағрикенгликка эришиш ўзига хос мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. Шу боис, бу муаммо тарихий тараққиётнинг барча босқичларида долзарб ҳисобланиб, турли эътиқодларнинг биргаликда тараққиёти этиши, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик шаклланиши, пировардида юртлар тинчлиги, тараққиёти умуминсоний маданият ҳамда маънавият ривожига хизмат қилган.

Ўзбекистон динлараро бағрикенглик ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган давлатлар сирасига қиради. Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлар ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини таъминлаш янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Конституцияимизнинг 4-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва аънаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб беради. Самарқанд форумида мазкур тамойиллар амалда ўз ифодасини топаётгани таъкидланди.

Жумладан, Ўзбекистондаги немис миллий маданият маркази раиси Наталья Кайзер: “Мен тупроғини кўзларимга тўтиб қилишга арзийдиган ўзбек юртида, меҳрибон инсонлар бағрида туғилиб ўсдим. Ҳеч ҳам кўнглим ўксиганини эслай олмайман. Тўғриси айтсам, немис миллатига мансуб ўзбек аёлман. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар биримизнинг кўнглимизга йўл топади, бизни ардоқлайди. Мен учун бу юртининг бегона гийҳи йўқ, бир қултум суви ҳам мен учун азиз. Ўзбек халқи бу мен, сиз, шу даврдада ўтирган барча қорақўзлардир”, дея гапирди.

Парламентлараро иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгон ўз сўзида Ўзбекистонда илгари деярли кузатилмаган, тараққиётнинг туб бурилишларини ўзида қамраб олган ўзгача ижтимоий-сиёсий ҳаёт юзага келиб, суз ва дин эркинлиги янгица кўринишда пайдо бўлганини эътироф этди.

“Ўзбекистон Шарқ гавҳари сифатида азалад дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бетақорр ўлка, аждодларининг илмий салоҳияти билан нафақат маҳаллий халқ, балки бутун олам ахли ифтихор тўйса арзийдиган мамлакат. Узоқ гапириб, алоҳида изоҳ беришга ҳожат йўқ. Барча миллат ва элат вакиллари ҳуқуқ ва эркинлиги, билим олиши ва ўз динига эътиқод қилиши тўла таъминланган. Уларнинг аҳилилигига ҳавасим

келди, мамлакатда миллий маданият марказлари фаолият юритиши таҳсинга лойиқ. Президент Шавкат Мирзиёев ўз халқига ўтмишни англашга шароит яратиб бериши баробарида янги дунё истиқболини шакллантиришдек улуг ишларга чорлаётган шахс эканига у киши билан учрашганда амин бўлдим. Мазкур анжуманининг Президент гоёси асосида ташкил этилиб, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида ўтаётганида ҳам рамзий маъно бор. Мен бу таассуротларимни бир умр ҳайрат билан ёдда сақлайман. Ўзбекистоннинг тараққиётга юксак ишонч билдираман”, деди Мартин Чунгон.

Дарҳақиқат, мазкур форумнинг Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида ўтказилишининг алоҳида аҳамияти бор. Марказ 2020 йилда Президент Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан фаолият бошлади. “Ушбу марказ Имом Бухорий меросини тадқиқ этишда, башари ятти илм, эътиқод ва тараққиётда чорлашда дунёдаги маърифат масканларининг юраги бўлиб хизмат қилишига ишонаман”, деган эди давлатимиз раҳбари. Мазкур муқаддас маскан бугун чин маънодаги маърифат ва мулоқотлар майдонига айланган.

Форум иштирокчилари Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати устувор йўналишлари, соҳадаги фаолият устидан парламент назорати механизми, мамлакатда диний бағрикенгликнинг тарихий илдилари, миллатлар ўртасида тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари каби мавзулар доирасида ҳам ўзаро фикр алмашди. Таъкидланганидек, Қонунчилик палатасида депутатларнинг 13 фоизи, Сенатда 8 фоизи бошқа миллат вакиллари билан иборат. Улар мамлакат тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи қонунларни қабул қилишда фаол иштирок этмоқда. Қуйи палата томонидан миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистонда 30 июль Халқлар дўстлиги куни этиб белгилашни тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳам фикримиз исботидир.

Яна бир муҳим масала. Бу йил халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини кенг нишонлайди.

Мазкур сана халқимиз ҳаётининг барча жабахлари ривожини ўзида мужассам этгани билан қадридир. Яқинда, аниқроғи 30 июнда Халқаро парламентаризм кунини ҳам нишонлаймиз. Самарқанд форумини ушбу нуфузли тадбирларга уйғунлашган мулоқотлар майдонини сифатида ҳам эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистондаги халқчил сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири — халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилсин, деган тамойил. Ушбу тамойил бугун ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Барча вилоятларда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентини қабулхоналарининг фаолияти бунга мисол. Уларда фуқароларнинг муурожаатларини қабул қилиш, тинглаш ва ечим топиш тизимли йўлга қўйилган.

Форум якуланганча, Парламентлараро иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгон Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерга жорий йилнинг утган даврида 12 миңдан зиёд муурожаат келиб тушган. Меҳмон қабулга келган фуқаролар билан мулоқотда бўлди.

— Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашиб, суҳбатлашганимда мазкур тизим ҳақида маълумотга эга бўлдим. Қабулхоналар фаолияти менда катта таассурот уйғотди. Уларда, давлатнинг раҳбари таъкидлаганидек, диққат-эътибор фуқароларнинг дардини тинглаш ва ҳал этишга қаратилган. Бу тажрибадан ибрат олса арзийди. Халқнинг мушуқлини осон қилишининг энг оқддий ва самарали йўли шу. Амин бўлдимки, Шавкат Мирзиёев ўз халқини севадиган, унинг ташвиши ва истиқбол ҳақида қайғурадиган одил раҳбар. Ушбу қабулхонада бунинг амалий ифодасини кўрдим, — деди Мартин Чунгон.

Шу тариқа Самарқанддаги форум иштирокчилари бугунги Ўзбекистон ислохотларига юксак баҳо берибгина қолмасдан, биз эришган натижалар ва халқчил сиёсатимизнинг амалий ифодаларига ҳавас билан божиб, ютуқларимизни алоҳида мамнуният билан эътироф этдилар.

ҚАРОРГА ШАРХ

ҚИЙНОҚЛАР — ИНСОНИАТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

Бошланғич 1-бета

— Президентимизнинг қарори айнан бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам 26 июнь — Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни нишонланаётган муҳим санада қабул қилинган бежиз эмас, — деди А.Самидов. — Бу воқелик Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида шиддатли ва аниқ тизимли ислохотларни амалга ошириш асосида мазкур йўналишдаги синоддан ўтган халқаро тажриба ҳамда дунё андозаларига ҳар томонлама уйғунлашишга қатъият билан интилаётганини яна бир яққол далиллади.

Аслида, инсонни қийноққа солишдан мақсад унинг шахси ва шаънини оёқости қилиш, ор-номуси ва қадр-қимматини топташ ҳамда ҳурлашдир. Шунинг учун БМТ ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланувчи Ўзбекистон ҳам қийноқларни муайян одамлар томонидан бошқаларга нисбатан қўлланадиган энг гайрининсоний қилиш сифатида ҳар доим қоралаб келади.

Халқаро ҳуқуққа кўра, қийноқлар инсониятга қарши жиноятдир. Бу борада қабул қилинган барча ҳужжатларда қийноқлар қатъиян тақиқланади ва қийноққа солиш ҳолатини оқлашга ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддаси талабига кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Бу ҳақда сўз борганда, БМТ Бош Ассамблеяси 1997 йилда 26 июнь санасини Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни деб эълон қилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур халқаро санада дунё миёсисда қийноқларга бутунлай барҳам бериш ҳамда БМТнинг Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенцияси янада самарадор ишларини таъминлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказилади.

Мамлакатимизда ҳам ушбу сана ҳар йили нишонланади. Айниқса, жорий йилда Ўзбекистон Президентини ўзининг бу борадаги қарорини худди шу кунни қабул қилгани келгусида мазкур санадан биз учун миллий ва халқаро даражадаги тарихий аҳамиятини янада оширади.

Қарорнинг қабул қилиниши қандай омиллар билан боғлиқ?

— Ўзбекистон Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилишини таъкидлаб экан, тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратганди. Нега деганда, афсуски, мазкур соҳада қийноққа солиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди.

Масалан, қийноққа солиш жинояти 2017 йилда — 7 та, 2018 йилда — 10 та, 2019 йилда — 16 та, 2020 йилда ҳам 16 та қайд этилган. Бундай ачинарли ҳолат фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани ва мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётгани аини ҳақиқат бўлиб, Президентимиз бунга бефарқ қараб туролмасди.

Давлатимиз раҳбари, авваламбор, Олий Мажлис палаталари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ зиммасига оғир бўлган қийноқларнинг олдини олиш бўйича ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан ўз тақлифларини ишлаб чиқиш вазифаларини юклатди. Бунда оғир бўлган томонидан ҳар чорақда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига мониторинг таширларини тизими йўлга қўйилиши зарурлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, Олий Мажлис палаталари ҳар йили оғир бўлган қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш кўрсатиб ўтилди.

Бу муҳим вазифалар изчил ижро этилмоқда. Хусусан, 2020 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жамоатчилик фаоллари билан биргаликда карантин мажмуалари, тиббий муассасалар, жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқлари-

нинг таъминланиши ҳолатини ўрганиш мақсадида 76 та мониторинг тадбирини амалга оширган. Бу тадбирларда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ мутахассислари ҳам мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Энг асосийси, сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига кўра мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга, ислохотларнинг амалдаги босқичи қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ мурожаатларни тезкор равишда ҳолисона кўриб чиқиш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг таширларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш ишларини давом эттириш масаласини кун тартибига қўйди.

Мазкур долзарб масала Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида ўз аксини топди. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида ҳам бу борада аниқ вазифалар назарда тутилди. Ўйни ушбу қарор Президентимизнинг дастурий маъруза ва нутқлари, шунингдек, Миллий стратегия ҳамда давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида қабул қилинган. Қарордан кўзланган мақсад БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни такомиллаштиришдан иборат.

Қарорда бу борада қандай вазифалар кўзда тутилмоқда?

— Авваламбор, қарорда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилди:

Биринчидан, қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштириш;

Иккинчидан, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга юборилган мурожаатларнинг муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилмаслигини ҳамда қабул қилувчига зудлик билан юборилишини қатъий таъминлаш;

Учинчидан, қийноққа солиш ҳолатларини тўғрисидаги мурожаатларнинг тезкор ва ҳолисона кўриб чиқиши ҳамда айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилиши механизмни такомиллаштириш;

Тўртинчидан, қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишини ҳамда уларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш;

Бешинчидан, қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

Олтинчидан, қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича фаолият натижалари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш;

Еттинчидан, қийноққа солишнинг олдини олиш борасида халқаро ташиқлотлар ва хорижий давлатларнинг миллий институтлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Бу ўринда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузурида тузилган Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ҳақида сўз бормоқда. Жамоатчилик гуруҳлари тартибига Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ экспертлари, тиббиёт ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари жалб этилади.

Бунда ана шу мутахассисларнинг мониторинг таширларини амалга ошириш учун касбий малакаси ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда гендер тенглиги таъминланиши ҳисобга олинади.

Жамоатчилик гуруҳларининг асосий вазифалари ҳам Президент қароридан кўзда тутилган. Булар, асосан,

гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволас муассасаларида қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг таширларини мунтазам равишда амалга оширишдан иборатдир.

Эътибор берган бўлсангиз, қарорда ушбу махсус муассасаларга нисбатан “ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар” деган ягона атама қўлланган.

Эндиликда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган шахсларнинг ягона электрон реестрини юритиш амалиёти йўлга қўйилади. Бинобарин, “ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг ягона реестри” электрон тизими ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг яқин қариндоши, қонуний вакили ва адвокати шахс сақлаб турилган жой ва вақт билан боғлиқ маълумотларни олишини таъминлайди.

Бундай амалиёт, шунингдек, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни белгиланган муддатдан ортиқча вақт давомида ушлаб туриш, ушлаб туриш бошланган вақтни кечиктириб кўрсатиш, гайриқонуний равишда ушлаб туриш каби салбий иллатларнинг олдини олиш имконини беради. Бундан ташқари, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан қийноқлар бўйича амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали мурожаат қилиш амалиёти янада такомиллаштирилади.

Ўзбекистон Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив протоколини ратификация қиладими?

— Албатта, Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 февралда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек: “Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм жорий этиш доирасида биз одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганда қатъий назар, улар учун жазо муқаррардим”.

Давлатимиз раҳбари ўшанда Ўзбекистон Республикаси Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив протоколини ратификация қилиши ҳақида баён берганди. Қарорда бу борада бир қатор муҳим вазифалар кўзда тутилган.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази оғир бўлган ва Ташиқ ишлар вазири билан биргаликда БМТнинг Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенцияси факультатив протокоliga ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига қиритиши зарурлиги белги-ланган.

Нью-Йоркда 2002 йил 18 декабрда қабул қилинган мазкур факультатив протоколини ўтган даврда дунёнинг 91 та давлати ратификация қилган. Ҳозирда, Арманистон, Озарбайжон, Эстония, Грузия, Литва, Молдова, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон, Афғонистон, Чехия, Финляндия, Франция, Германия, Италия, Польша, Испания, Туркия каби ўндан ортиқ давлат ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатни имзолаган.

Шу маънода, Президентимизнинг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Ўзбекистонда қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий тизимни умумэтироф этилган халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Президентимиз қароридан назарда тутилган янгилаштирилган амалиётга ўз вақтида ва тўлиқ жорий қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги ислохотларига халқаро ҳамжамиятнинг иқобий фикрини шакллантиришга хизмат қилади. Бинобарин, бир томондан, юртимизда қийноққа солиш ҳолатларига узил-кесил барҳам бериш, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг халқаро имижига янада ортади.

Ғулом МИРЗО СУҲБАТЛАШДИ.



МУНОСАБАТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ДАВР



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик

Янги Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларга ҳаммамин гувоҳ бўлиш билан бирга, бу жараёнда бевосита иштирок этиб ҳам келмоқдамиз. Қайси соҳани олмайлик, ишга ёндашув, муносабат, талаб ва мезонлар ўзгармоқда. Энг муҳими, кенг қўламли ислохотлар натижасини одамлар амалда ҳис этиётган, кундалик турмушида сезаётган. Ҳеч шубҳасиз, бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилаётган стратегик йўл ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Кўриниб турибдики, ушбу вазифаларнинг барчаси бугунги ҳаётимиз ва ислохотлар талабидан келиб чиққан ва улар олий таълим тизимида ўқув жараёни, илмий тадқиқот ишларини бозор тамойилларига, реал воқеликка, ривожланиш суръатларига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Яшириб нима қилдик, шу пайтга қадар олий маълумотли кадрлар тайёрлашда иқтисодийнинг реал секториданги мутахассисларга бўлган реал эҳтиёж, меҳнат бозори талаблари кўп ҳам қисбга олинмас эди. Ҳаётда керак бўладиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган ҳақиқий профессионал мутахассислар эмас, кўпинча номига диплом кўтариб юрадиган, амалда ўқиган соҳаси бўйича ишни малакали ташкил этиш, долзарб муаммоларни ечишга билими, тажрибаси, қурби етмайдиган нўноқ мутахассислар, халқимиз таъбири билан айтганда, “нон емас”ларни тайёрлашга зўр берилди. Бундай “дипломли мутахассис”ларнинг жамият учун фойдасидан кўра, зарари кўпроқ эди. Халқимиз “саводсиздан кўра, чаласавод хавфлироқ”, деб бежиз айтмайди.

Кейинги пайтларда ўз касбининг чинакам устаси бўлган, халқаро меҳнат бозоридан рақобатга дош бера оладиган, инновацион фикрлайдиган, энг муҳими, сифат ва натижа учун ишлаб, иқтисодийтириш, ижтимоий ҳаётимизни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшадиган кадрларга эҳтиёж жуда кучайиб бораётгани кузатишмоқда. Чунки давлат ва жамият ривожланмоқда, энди унга шу тараққиёт даражасига мос кадрлар керак. Юртимизда иш бошлаётган маҳаллий ва хорижий фирмалар, корхоналар, йирик компанияларга қўшилганда “қовун тушириб”, ишнинг пачавасини чиқарадиган, иш буюрганда, уни бажариш эмас, балки баҳона топиш ҳақида ўйлайдиган дипломли “кадрлар” эмас, биринчи навбатда, ўз ишини пухта биладиган юксак малакали, ўз йўналиши бўйича янгилик кирита оладиган инновацион мутахассислар керак.

Шунинг учун Президентимиз олий таълим йўналишлари билан замонавий эҳтиёжлар ўртасида узил-кесил дават катта эканини танқид қилиб, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида 40 мингта, санаоатда 38 мингта, қурилишда 12 мингта, қишлоқ хўжалигида 10 мингта, алоқа ва ахборот технологияларида 4 мингта олий маълумотли кадрлар талаб этиладиган бўш ўринлари борлиги, лекин битирувчилар сон жиҳатидан ҳам, малака бўйича ҳам бу талабни қондира олмаётганини афсус билан қайд этди.

Йиғилишда олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни самарали амалга ошириш учун олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича жамиятнинг бошқа қисмига ҳам таъминлаш ва талабнинг ўз устида ишлаши учун қулай муҳит яратиш.

Учинчи устувор йўналиш — олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш.

Тўртинчи устувор йўналиш — профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қўғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.



ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ:

КЕЧА ВА БУГУН

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, суд экспертлик фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳани замонавий, юқори аниқликдаги таҳлил воситалари билан жиҳозлаш орқали одил судловни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита таъаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида суд-ҳуқуқ тизимининг ажралмас, муҳим бўғинларидан бири саналган суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ҳам зарур ислохотлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш, жамоат тартибини, хавфсизликни сақлаш, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларга махсус билмларни қўллаш йўли билан қўмақлаштириш борасида Хадича Сулаймонова номидagi Республика суд экспертизаси маркази муҳим ўрин тутаяди.

Суд экспертизаси соҳасининг бугунги ҳолати, амалга оширилган ислохотлар, янада ривожланиш истиқболлари, унинг илмий-назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш, фаолиятдаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари, янги экспертиза турларини жорий этиш ва услубий асосларини яратиш борасида Республика суд экспертизаси маркази директори **Акрам ХАЛИЛОВ** билан суҳбатда бўлди.

— Суҳбатимиз аввалида марказ тарихи, унинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган қонунчилик асосларига тўхталсангиз.

— Хадича Сулаймонова номидagi Республика суд экспертизаси маркази Тошкент илмий-тадқиқот криминалистика лабораторияси сифатида ташкил қилинган. Жорий йилда марказ ташкил этилганига 70 йил тўлади. Марказ ўз



фаолиятини 1951 йил 1 июндан айрим турдаги ҳужжатшунослик экспертизаларни ўтказишдан бошлаган. 1958 йил 1 апрелда лаборатория асосида Марказий Осиёда биринчи Тошкент суд-экспертиза илмий-тадқиқот институти ташкил қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 22 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг экспертиза хизматини ривож-



лантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ марказга суд-экспертиза масалалари бўйича илмий-услубий ҳамда мувофиқлаштирувчи идора мақоми берилди. Марказ нафақат республикада, балки Марказий Осиёда нуфузли суд-экспертиза муассасаси ҳисобланиб, бу ерда биринчилардан бўлиб одам ДНК си суд-биологик экспертизасини ўтказиш йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, сўнги беш йилда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган туб ислохотлар, экспертлик соҳаси истиқболига доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳада янги босқични бошлаб берди.

Жумладан, 2017 йилда барча вилоятларда марказнинг худудий бўлиmlари ташкил этилди. Шунингдек, бугунги кун талаблари асосида экспертларнинг малакасини ошириш учун ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалиётда илк бор нодавлат ташкилотлар томонидан суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мазкур қарор билан 2019-2020 йилларда суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 25 банддан иборат “Йул харитаси” тасдиқланди ва муваффақиятли амалга оширилди. Шунингдек, Республика суд экспертизаси маркази барча шароитларга эга янги бинога кўчирилди, мавжуд лаборатория жиҳозлари жаҳон стандартларига жавоб берадиган, энг замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар билан таъминланди.

Шу билан бирга, марказ тузилмасига ўзгартириш киритилиб, халқаро ҳамкорлик ва жамоатчилик билан алоқалар, ахборот технологиялари ва инновацияларни жорий қилиш, ташкилий назорат ва таҳлил, сифат менежменти каби бир қатор янги бўлиmlар ташкил этилди.

Ислохотлар давоми сифатида 2020 йил 24 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд-экспертларини оқитиш тўғрисида, малакаси ва ҳуқуқий билиминини ошириш, суд-эксперти сифатида касбий лаёқатини тасдиқловчи сертификат олгапларнинг ягона реестрини юритиш тартиби каби муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

— Соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўтган давр мобайнида суд-экспертлик соҳасига замонавий ахборот технологиялари ва инновацияларни кенг жорий қилиш, аҳолига суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотларни етказишга қаратилган суд-экспертиза ахборот портали “www.sudexpert.uz” тизими ишлаб чиқилиб, ишга туширилди.

Тизимда ортқича оврагарчилик ва қоғоз исрофгарчилигининг олдини олиш, эксперт ходимларга янада кўпроқ экспертиза тадқиқотларини олиб боришга ҳамда илмий ишлар билан шуғулланишига имкон яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида суд-экспертларнинг автоматлаштирилган иш ўринларини ташкил этиш, эксперт ҳулосаларини рўйхатга олиш ва уларни тақдим этиш мuddатларини қисқартириш мақсадида ҳужжатларнинг электрон алмашинувини назарда тутувчи электрон “Суд экспертизалари ҳисоби тизими” яратилди. Айти пайтда тизимни суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга интеграция қилиш жараёни кетмоқда. Мазкур элек-

“ 2017 йилда барча вилоятларда марказнинг худудий бўлиmlари ташкил этилди. Шунингдек, бугунги кун талаблари асосида экспертларнинг малакасини ошириш учун ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди.

трон тизим судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд экспертизаси муассасаларининг ўзаро ҳужжат айланиши ҳамда хавфсизлигини таъминлашда ижобий таъсир кўрсатади.

Жорий йилда Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун марказда амалий машғулот ҳамда тадқиқотлар олиб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида “Амалий ҳуқуқшунослик” кафедраси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар суд экспертизаси соҳасидаги мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштириш, соҳадаги муаммоларни аниқлаш, ўрганиш ва ҳал қилишнинг самарали усуллари белгиланган, халқаро суд-экспертиза амалиётида қўлланиладиган энг сўнги янгиликларни жорий этиш мақсадида ташкил этилган “Ўзбекистон суд экспертизаси” илмий журналининг илк сони нашрдан чиқарилди.

Янги ташкил этилган журналда соҳанинг етакчи олимлари ва мутахассисларнинг илмий мақолаларини нашр этиш орқали халқаро илғор тажрибалар тақдим этилади, шунингдек, мамлакатимиз суд-экспертларининг илмий ва илмий-амалий тадқиқотлари натижаларини нашр этиш имконияти яратилади.

— Маълумки, бугун ахборот технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Натижада судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг малакали эксперт тадқиқотларига бўлган эҳтиёжи ортмоқда. Ана шу мақсадда яна



қандай экспертиза турлари ташкил этиш режалаштирилган?

— Бу борада судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг малакали экспертиза тадқиқотларига бўлган эҳтиёжларини инобатга олиб ҳамда мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, янги 6 та экспертиза тури жорий қилинди. Булар, Суд лингвистик экспертизаси, Суд-компьютер-техникавий, Суд-автомобиль йўллари, Суд-электротехника, Суд-психологик, Озиқ-овқат маҳсулотларининг суд экспертизаларидир. Шу билан бирга, Марказда ўтказилган экспертиза турлари 50 тага, экспертлик мутахассисликлари сони 69 тага етказилди. Наҳажада сўнги уч йил давомида суд-экспертлари томонидан суд тергов органлари қарорлари (ажримлари) ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари асосида 8 миллиондан зиёд объектлар бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, 398 минг 457 та савол ҳал этилган ва улар бўйича 98 мингга яқин ҳулоса берилди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида марказ экспертлари томонидан турли давлат органлари ва ташкилотларига 1 660 та профилактик тақлифлар киритилди.

Илмий-тадқиқот ва услубий фаолият самарадорлигини таъминлаш суд-экспертизасининг назарияси ва амалиётини ривожлантиришнинг муҳим омилли ҳисобланади. Бунда илмий изланишларни ва ходимларнинг илмий салоҳиятини оширишдан туриб суд-экспертиза соҳасида янгиликлар яратиш бўлмайди. Шу сабабли марказ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Адлия вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг ушбу масала юзасидан қўшма қарори имзоланиб, илмий-услубий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида ўз таркибига тажрибали экспертларни жамлаган “Илмий сектор” ва “Илмий-тадқиқот бўлими” ташкил этилди. Суд-экспертиза соҳасида 53 та илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш йўлга қўйилди ва янги услубийлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Сўнги йилларда марказ томонидан суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Беларусь Республикаси давлат суд-экспертиза қўмитасининг Илмий-амалий маркази, Россия Федерацияси Адлия вазирлиги, Россия Федерал суд-экспертиза маркази, Украина Адлия вазирлигининг суд-экспертиза миллий илмий маркази билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Туркия, Малайзия, Ҳиндистон, Қозғоғистон ва Арманистон суд-экспертиза муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича келишувга эриши-

либ, шартномалар имзолаш жараёнида турибди. Шунингдек, марказнинг Бутунжаҳон суд-экспертлари ассоциациясига (IAFS) аъзо бўлиши учун зарур чоралар қўрилмоқда.

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро суд-экспертиза муҳитидаги ролини ошириш, соҳанинг барқарор вазифаларини таъминлаш, мавжуд салоҳиятини сақлаш ва янада ривожлантириш борасида келгусида қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда?

— Албатта, бугун замоннинг ўзи олдимизга қатор долзарб вазифаларни қўймоқда. Биринчи навбатда, суд-экспертлик фаолиятининг норма-тив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ишларини давом эттириш зарур. 2021-2025 йилларда марказда 16 та янги суд-экспертиза турларини жорий этишни режалаштирганмиз. Шулардан, суд-солиқ экспертизаси, озиқ-овқат



маҳсулотларини баҳолаш каби суд-экспертиза турларини жорий йилнинг охирига қадар амалиётга татбиқ этилади. Радиотехника экспертизаси, совуқ қуроллар криминалистика экспертизаси, банк соҳасида бой берилган фойдани аниқлаш тадқиқоти, газ ва электр техника объектларининг портлаш техник экспертизаси, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини аниқлаш, видео-техника ва фототехника экспертизаси, парфюмерия санъати маҳсулотларининг кимёвий таркибини аниқлаш тадқиқоти, қурилиш молларининг тадқиқоти каби суд-экспертиза турлари 2025 йил охиригача босқичма-босқич жорий этилади.

Шулар билан бирга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг янги турлари жорий қилинади. Жумладан, одам ДНК си биологик тадқиқотлари, йўл-транспорт ҳодисаси механизмининг математик усуллари орқали аниқлаш, ер участкаларига бўлган эгаллик ҳуқуқлари қийматини эксперт баҳолаш, табиий ноаниқ моддалар, ҳужжатлар тадқиқотлари каби йўналишларни келтириб ўтиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни фож этишда Республика суд-экспертизаси маркази фаолияти муҳим ўрин тутар экан, соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, замонавий жиҳозлар ва кадрлар билан таъминлаш доимий кун тартибда бўлади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди.**

ЯНГИ ПАРВОЗ

Ўзбекистон ва Кувейт:
ҲАМКОРЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда туризмга юксак эътибор қаратилиши ортидан саёҳат қилиш иштиёкидаги юртдошларимиз, шунингдек, чет эллик сайёҳларга янги йўналишлар, қўлай шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга, юртимизга йирик тадбиркорлар кириб келишига имкон пайдо бўляпти. “Jazeera Airways” авиакомпаниясининг Ўзбекистон томон илк бор ҳавога кўтарилган самолёти Тошкент халқаро аэропортига келиб қўнди.

— Биз бугун “Jazeera Airways” авиакомпаниясининг Кувейт — Тошкент йўналиши бўйича илк парвозини қаршиладик. Бу рейс билан биз туризм учун янги бозор очдик. Уйлаймики, эндиликда нафақат Кувейтдан, балки мазкур авиакомпания орқали Яқин Шарқнинг бошқа мамлакатларидан юртимизга сайёҳлар оқими ошади.

— деди Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари Улуғбек Аъзамов. — Кувейт — Тошкент авиайўналиши нафақат туризм, балки Кувейтдан юртимизга инвестиция кириб келишига ҳам катта туртки бўлади, деб уйлаймики. Айти пайтда ушбу авиакомпания билан реклама ва маркетинг бўйича ҳамкорлик келишувларимиз амалга ошяпти. Келаси мавсумдан нафақат Тошкент, балки юртимизнинг бошқа йирик шаҳарларига ҳам рейслар қўйилиши кутилмоқда. “Jazeera Airways” авиакомпанияси сифатли, арзон ва қўлай парвозларни таъминлайди. Авиакомпания Яқин Шарқ

давлатлари орасида ўз терминалига эга ягона хусусий компания ҳисобланади.

“Jazeera Airways” авиакомпанияси ижрочи директори Роҳит Рамачандраннинг таъкидлашича, мазкур йўналиш икки мамлакат учун янги имконият эшикларини очди. Келажакда Самарқанд



ва Бухоро шаҳарларига ҳам тўғридан-тўғри рейслар қўйилади.

Тошкент — Кувейт йўналишида парвозлар ҳафтасига икки марта амалга оширилади. Пандемия сабаб Кувейт хозирча фақат ўз фуқароларини қабул қилади. Чет элликлар эса жорий йилнинг 1 августидан бу мамлакатга бориши мумкин бўлади.

— Компаниямиз Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб янги парвозлар қўламини кенгайтиришда давом этади ва меҳнат таътилини

режалаштираётган сайёҳларга хизмат кўрсатади, — деди директори Роҳит Рамачандран. — Дунёда коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ишлари давом этаётган бир пайтда саёҳат учун ҳаво йўли энг хавфсиз бўлиб қолди. Шу боис, бу мавсумда бетакрор манзилларни забт этишни кўзлаганмиз. Авиакомпания учувчилари ва борт кузатувчилари тўлиқ эмланган, шунинг учун миқозларимиз биз билан хавфсиз саёҳат қилади.

БУГУННИНГ ГАПИ

МАЪНАВИЯТНИ АНГЛАШ — ИНСОННИ АНГЛАШ

ёхуд “огоҳлик қўнғироғи”га қандай муносабат билдираёмиз?

Бошланиши 1-бетда

Мазкур жараёнда масаланинг қай даражада ҳал этилиши кўлаб омиллارга боғлиқ. Аммо, ҳеч шубҳасиз, бу жараёнда етакчи ўринни маънавият ва маърифат, ахлоқий тарбия масалалари эгаллаш ҳақиқат.

Жамият ва миллат тақдири айни маънавий омилларга боғлиқлигини исботлашнинг ҳолати йўқ. Зеро, унинг зарурлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари жорий йил 19 январда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтган қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Миллий маънавиятимизга мутлақо беғона бўлган зарарли гоғялар, тушунча ва қарашлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан, таъбир жоиз бўлса, “чақирилмаган меҳмон” бўлиб хонадонимизга, жамиятимизга, энг ёмони, мурғак болаларимизнинг покиза қалби ва юрагига кириб келмоқда”.

Дарҳақиқат, шундай. Нафсиларини айтганда, бугун мамлакат раҳбари саъй-ҳаракатлари билан юртимизда маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишнинг муайян тизими яратилди, барча туман ва шаҳарларда маънавият ва маърифат бўлими ҳамда бўлимчалари очилди, улар зарур шартлар билан таъминланди, ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкони яратилди. Юзлаб, минглаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда, уларда аҳолининг барча табақалари иштироки таъминланмоқда.

Гўё ҳаммаси рисоладагидек. Бироқ натижа биз кутгандек эмас. Сабаби нимада, нега миллий ўзлигимиз ва асрий маънавий қадриятларимизга қарши таҳдид ва хатарлар кучайиб бормоқда? Нима сабабдан айримлар жойларда ташкил этилаётган турли тадбирларга беписанд муносабатда бўлмоқда? Нема маънавият ва маърифат, тарбия билан шуғулланувчи юзлаб ташкилотлар, уларнинг минглаб мутасаддилари саъй-ҳаракатларига қарамай, бу борада кўзланган натижага эриша олмаёмиз? Буларнинг бари, мамлакат раҳбари айтганидек, биз учун огоҳлик қўнғироғи ҳисобланади.

Шубҳасиз, бу саволларга бир сўз билан жавоб бериш мушкул. Аммо юқоридagi каби ҳолатга қуйидаги айрим омиллари жиддий сабаб сифатида кўрсатиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, баъзи ҳолларда бугун мамлакатимизда таркиб топган ижтимоий мўлжал ва айрим фуқароларнинг ижтимоий мажбурияти ўртасида муайян уйғунлик йўқлиги маънавий-маърифий ишларини самарадорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда, деб ўйлаймиз. Бизнинг бугунги ижтимоий мўлжалимиз инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик гоғяларини ўзидан муҳассам этган янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат. Янада соддароқ айтганда, ижтимоий мўлжал — жамият аъзоларининг барчаси томонидан қабул қилинган, эътироф этилган мақсад-муддао.

Ижтимоий масъулият эса, айнан шу ижтимоий мўлжалга эришиш йўлида ўзини сафарбар этишдан, бу йўлда ижтимоий фаоллик кўрсатиш, ижтимоий ҳамкорлик қилиш, ҳаракатнинг ноанъанавий йўлларини қондиришдан иборат амалий фаолият ҳисобланади. Бугун бизда таркиб топган ижтимоий мўлжални барча фуқароларимиз сўзсиз қабул қилишмоқда, ўзаро мулоқотларда, асарларда, нутқларда бу ҳақда гапирмоқдамиз, ёзмоқдамиз.

Аммо амалда-чи? Амалда айрим фуқароларимиз ижтимоий мўлжалга эришиш йўлида ижтимоий масъулиятни унутиб қўйишга ётганга ўхшайди. Акс ҳолда, меҳр-оқибат, савоат, ҳамжихатлик, бағри-кенглик, сабр-тоқати бўлиш, шўқроналик каби азалий, биз учун анъанавий бўлган ўта ноёб фазилатлар баъзи одамларимизда йўқолган бўлар эди.

Назаримизда, бунинг асосий сабаби бажараётган маънавий-маърифий ишларимиз, жойларда ташкил этилаётган турли тадбирларимизда аниқ мақсаднинг йўқлиги, ана шу ноёб фазилатлар ҳар биримизнинг турмуш тарзимиз, мавжудлигимиз, келажақда бахтли-саодатли бўлишимиз шарти эканини унутиб қўйишимиздандир. Қачонки биз маънавият ва маърифат воситасида жамият ижтимоий мўлжал ва ижтимоий мажбурияти ўртасидаги уйғунликни таъминлай олсаккина, кўзлаган мақсадимизга эриша оламиз.

Иккинчидан, бугун баъзи ёшларимизда маънавий чекинликлар, ҳаётга енгил қараш, истеъмоличлик кайфияти мавжудлигига айрим ёш йигит-қизлар билан савияси ва уни қундалиқ турмушга жорий этиш амалиёти ўртасидаги жарликнинг кенгайиб бораётгани сабаб бўлаётганга ўхшайди.

Масалан, ёшларимиз кўча-кўйда ёши улуг отахону онахонларга салом бериш, жамоат транспортда уларга қўйи бериш, кўнчилиқнинг тонг сарҳаддан қилган иши натижасида ойнадек тозаланган кўчалар, бекатларга чиқинди ташламаслик, жамоа тўпланадиган жойларда баланд овозда гапирмаслик, бачканалик қилмаслик кераклигини билмайдиларми? Шубҳасиз, билади. Ҳамма гап биз фарзандларимизга билимнинг том ҳаммадан фойдаси, сама-

раси унинг реал ҳаётдаги кўринишида, ҳаракатида акс этишини тушунира олмастлигимиздандир.

Бугун бутун мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шiori остида ёшлар фестиваллари ўтказилмоқда. Гапнинг очиги, мазкур тадбирларда ёшларимизнинг шижоати, гайратини кўриб қувонмаслик мумкин эмас. Ёш йигит-қизларимиз илм-фан, адабиёт ва санъат, спорт соҳасида турли ижтимоий лойҳаларнинг ҳам ижодкори, ҳам фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Фестивалларда, турли тадбирларда, концертларда иштирок этиш жуда яхши. Энди ёшларимиздаги ўша гайрат, шижоат, сафарбарлик, ягона мақсад йўлидаги фидойилик саноат корхоналари, янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш соҳаларига, илм-фан лабораторияларига тезроқ кўчсаиди — янада яхши бўларди. У ёки бу нарса, ҳодиса ҳақида билимнинг мавжудлиги ҳамда ўша билимнинг конкрет ҳолатда амалиётга кўчиши ҳар биримиздан муайян маънавий етуқликни талаб этади.

Учинчидан, Президентимиз бот-бот қайд этаётган, айрим ёшларимиз характерида шаклланиб бораётган ҳаётга енгил-елпи қараш, истеъмоличлик кайфияти ҳам огоҳлик қўнғироғи бўлмоғи лозим. Дарҳақиқат, ёшларимизнинг айрим қисмида ҳаёт фақат ўйин-кулгидан, ҳузур-ҳаловатдан, роҳатланишдан иборат, деган муносабат пайдо бўлаётгани ҳам ҳақиқат.

Бундай муносабат “гедонизм” сўзи билан ифодланади. Гедонизм юнонча сўз бўлиб, у инсоннинг бутун ҳаёти, ҳаёт мазмуни роҳатланишдан иборат, деган гоғяни илгари суради. Мазкур “гоғя”га биноан, ҳузур-ҳаловат бахш этмайдиган барча ҳаракатларга эътибор бермаслик ва уларга куч сарфламаслик керак. Гедонизм таълимотида инсоннинг майл ва эҳтиёжлари жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга қарама-қарши қўйилади, инсон эркинлигини чекловчи ва унинг ўзига хос хусусиятларини намойиш этишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ижтимоий шарт ва меъёрлар инкор қилинади.

Таъкидлаш лозимки, бу ўта хавфли ҳолат. Унинг юзага келишида худбинлик, яъни фақат ўзини ўйлаш, ўз манфаатини жамият, миллат, мамлакат манфаатларидан юқори қўйиш алоҳида роль ўйнайди. Шахсий эҳтиёжларини қондиришигина ўйлайдиган бундай ёшлар жамият қонунлари, миллий анъана, урф-одатларни мутлақо писанд қилмайди, кўп ҳолларда анъанавий ижтимоий, миллий қадриятларни ўзининг шахсий манфаатини қондириш йўлига мослаштиришга уринади. Бу биз учун жуда жиддий огоҳлик қўнғироғи бўлиши лозим.

Хўш, нега айрим ёшларимиз ўз манфаатини қондириш учун турли йўللарга кириб бормоқдалар, “бу дунёдан лаззат топиш” йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар? Албатта, бунинг сабаблари кўп. Ана шундай хавотирли йўлга баъзи ўғил-қизларимиз жамият қонунлари, қадимдан урф-одат, қадрият сифатида давом этиб келаётган миллий-руҳий сифатларнинг инкор этилиши натижасида кириб қолмоқдалар. Агар биз бугун маънавий-тарбиявий ишларда жамият томонидан қабул қилинган қонунлар ҳамда юксак инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик гоғялари уйғунлигини таъминламас эканмиз, унда кўп нарсани йўқотиб қўйишимиз тайин.

Тўртинчидан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан яна бири фуқароларнинг муайян қисмида, жумладан, айрим ёш катталардаги консерватизм ва баъзи ёшларимиз онгига ўрнашчи қолаётган радикализм ўртасидаги зиддиятлик ҳолатдир. Бундай ҳолат бугун жамият миқёсида кўринмас-да, унинг айрим белгилари баъзи оиаларда ўзини намойен этмоқда.

Оилада ёши улуг ота-она ва “кўчанин” таъсирига тушиб қолган” ўғил-қизлар ўртасида бир-бирини тушунмасликдан иборат парадокс ҳолат жамиятда, афсуски, тез-тез кўриниб қолмоқда. Бунда ҳар икки томон ҳам ўзининг ҳақ эканини талаб қилади. “Консерватор” ота-она ўз фарзандини оилавий анъаналар ва қадриятлар собитқадамлигини тани олмасликда айбласа, “радикал” фарзанд уларни “эскича фикрлаш” ва қоқоқлигини айб сифатида кўрсатади. Натижада бундай ҳол “ўртанин” бузилиши”га олиб келади.

Энди савол туғилади — шундай вазиятда қайси йўлни танлаган маъқул? Фикримизча, **мўътадиллик** мазкур муаммони ҳал этишнинг энг мақбул йўли бўлса керак. **Мўътадиллик мутаносиблик, ўртачалик, барчага маъқул йўлни танлашни,** кишининг муайян жамиятнинг ахлоқ меъёрлари нуктаи назаридан ўз хулқ-одобини назорат қилиши ва холисона баҳолаши, виждонли одамнинг ҳамда жамоанинг жамиятга ёки фуқароларга ўз хулқ-атво-

ри, хатти-ҳаракатлари учун маънавий жавобгарлик ҳиссини тақозо этади.

“Консерватив” ёши улуглар ҳамда “радикал” ёшлар тафаккур тарзининг шаклланишига дунёда шиддат билан кечаётган қадриятлар трансформацияси ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар икки томоннинг фикрларига қулқоқ тутиш, мўътадил йўлни топиш, фикримизча, ҳар биримиздан юксак маънавиятти, масалага бугунги куннинг нафасини ҳис этган ҳолда ёндашишни талаб этади.

Бешинчидан, биз огоҳлик қўнғироғи ҳақида гапирар эканмиз, шубҳасиз, баъзи ёшларимиз ўртасида тобора кучайиб бораётган “технократик маданият”, унинг йигит-қизларимиз тафаккур тарзига кўрсатаётган таъсири, ахборот маданиятини шакллантириш билан боғлиқ омилларга ҳам эътибор беришимиз лозим. Дарҳақиқат, XXI аср замонавий дунё сийсати, иқтисодиёти, экологияси ва маданиятини глобаллашув жараёни домига тортганини яққол намойен этмоқда.

Айниқса, ахборот коммуникацияси инқилоби кишилар ўртасидаги муносабатларда ахборот омилнинг етакчилиги қилишига, унинг ҳал қилувчи кучга айланишига таъсир ўтказди. Ғарбда “Эркин ахборот алмашуви” назариясининг асосчиларидан бири ҳисобланган А.Ф.Даллес бундай дейди: “Ташқи сийсатнинг фақатгина битта тамойилини танлаб олиш ҳуқуқи берилганда мен ахборотнинг эркин оқими принципини танлаган бўлар эдим”. Ғарбда “ахборотнинг эркин оқими” дейилганда чексиз миқдордаги ахборотни бир тарафлама узатиш, бунда ахборот мазмунининг ҳеч қандай метёерлар билан чекланмаслиги ва мазкур ахборот ў етказиб берилаётган ҳудуддаги давлат томонидан назорат қилинмаслиги тушунилади.



Бугун жамиятимизга энг кўп зарар етказётган таҳдид — бу миллионлаб ахборотлар уммонидан билим савияси ночор, турли маълумотларни таҳлил қилиш қўнимасига эга бўлмаган айрим ёшларда шаклланаётган технократик маданиятдир. Фикримизча, технократик маданият фақат техник воситаларинингана тан олиш, уларга онгли равишда англанмаган ҳолда мослашув, пировард натижада ижтимоий тармоқлар, интернет тизимига тобеликдан иборатдир.

Афсуски, бу ҳаммаси эмас. Энг муҳими, технократик маданият туфайли айрим ёшларимизда ўзбек миллатига хос бўлган жамоавийлик руҳияти ўрнига индивидуалистик қарашлар, саммийлик, меҳрибонлик сифатлари ўрнига қўполлик, дағаллик, агрессивлик фикрлари кучайиб бормоқда. Булар эса худбинлик, ҳар қандай ўзаро муносабатни инкор этиш, миллий қадрият, урф-одатларни унуттиш, айрим ҳолларда космополитик (дунё фуқароси) дунёқарашга даъво қилиш каби салбий иллатларни юзага келтирмоқда. Технократик маданият ёшларнинг муайян қисмида китоб феномени, китоб ўқиш маданиятини инкор этмоқда. Китоб ўқишнинг камайиши эса идорқоқ этиш, мушоҳада қилиш, ўзини англаш, ўзини ўзи тафтиш қилиш, ўз хатти-ҳаракатларига танқидий-таҳлилий ёндашув қўнимасини йўқ қилади. Буларнинг бари биз учун огоҳлик қўнғироғи эмасми?

Ҳар қандай жамиятда технократик маданиятнинг авж олиши, шубҳасиз, тарқатилаётган хабарлар мазмуни бузилишига, аслида тўғри маълумотларнинг сохталаштирилишига олиб келади. Бундан бугун бутун дунё жабр кўрмоқда. Айрим давлатларда ана шундай хавфларнинг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, Германияда 2017 йилда қабул қилинган қонунда фейк (сохта ва ёлгон) хабар ва маълумотларнинг фейсбук ва твиттердан олиб ташланмагани учун ана шу ширкатлар давлатга 50 миллион евро миқдордаги жарима тўлашига қўйилган.

Малайзияда эса, сохта хабар тарқатгани учун 6 йил қамоқ ёки катта миқдорда жаримага тортиш жа-



Гўё ҳаммаси рисоладагидек. Бироқ, натижа биз кутгандек эмас. Сабаби нимада, нега миллий ўзлигимиз ва асрий маънавий қадриятларимизга қарши таҳдид ва хатарлар кучайиб бормоқда? Нима сабабдан айримлар жойларда ташкил этилаётган турли тадбирларга беписанд муносабатда бўлмоқда? Нема маънавият ва маърифат, тарбия билан шуғулланувчи юзлаб ташкилотлар, уларнинг минглаб мутасаддилари саъй-ҳаракатларига қарамай, бу борада кўзланган натижага эриша олмаёмиз? Буларнинг бари, мамлакат раҳбари айтганидек, биз учун огоҳлик қўнғироғи ҳисобланади.

зоси қўлланилади. Бразилия парламентида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида интернетда соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, миллий иқтисод, сайлов жараёни ёки бошқа маффаатдор шахслар билан боғлиқ нотўғри маълумотларни тарқатганлик учун 3 йилгача қамоқ жазосини белгилаш назарда тутилмоқда.

Албатта, баъзи давлатлар томонидан кўрилаётган бундай чора-тадбирлар жамиятни муайян муддатда турли маънавий-мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Аммо ушбу муаммони концептуал тарзда, тизимли равишда ҳал этишнинг ягона йўли фуқароларда, айниқса, ёшларда ахборотлашган жамият қонунларига амал қилиш қўнимасини, сохта хабарни тўғрисида фарқлай олиш маданиятини, маълумотларни танқидий-таҳлилий жиҳатдан ўрганиш амалиётини шакллантиришдан иборат. Бироқ бу жуда мураккаб вазифа, уни амалга ошириш учун эса, ҳар биримизда кучли ирода, юксак маънавий-ахлоқий савия, миллий қадриятларга содиқлик ва, албатта, мустаҳкам билим бўлиши зарур.

сон-саноксиз маънавий-маърифий тадбирлар самараси ҳар доим ҳам сезилмапти? Нима учун бу соҳадаги ишларимизнинг натижасидан қониқиб қилмаёмиз? Бунинг сабаби шунки, биз, маънавиятчилар одамларнинг маънавий эҳтиёжларини ўрганмасдан турли тадбирлар ташкил этмоқдамиз. Кишилар биздан қайси гапларни кутяпти, улар қандай фикрларга муҳтожлигини билмаймиз. Натижа эса аён: кишилар бундай тадбирлардан маънавий қониқиб олмаётдилар.

Гап ёшларнинг нимани ўқиши, томоша қилиши, эшитишини ўрганиш билан бирга нимани ўқишга, томоша қилишга, эшитишга истаги борлигини аниқлаш устида кетяпти. Яна ҳам бошқачароқ қилиб айтганда, ёшларнинг маънавий диддини, унинг даражасини ўрганмас эканмиз, улар ҳақида жўяйлик фикрни айтиш қийин.

Яна бир жиҳатга алоҳида эътибор бериш лозим: маънавий эҳтиёжни бир зарб билан шакллантириш мумкин эмас. Болага: “Сийқаси чиқиб кетган, миллий маънавиятимизга мутлақо алоқаси йўқ, сохта эстрада ашуласини эшитма, сен ўзбек мумтоз кўшиқларини тингла, у китобни ўқима, мана бу асарни мутлола қил”, деганимиз билан у бизнинг раъйимизга қарамайди. Маънавий эҳтиёжни шакллантириш муайян вақтни, тинимсиз изланишни, тўғри йўлни топишни талаб этади.

Соғлом маънавий эҳтиёж бизга ҳар доим номукамаллигимизни эслатиб туради. Ана шу ҳолат барчамизни мукамалликка ундайди. Маънавият эса, шахсий эҳтиёжларимиз билан абадий мурсола интилишимизни тартибга солиб туради.

Агар биз бугунги Ўзбекистондаги ижтимоий маънавий муҳитни ўрганмас, уни илмий асосда ташкил этмас, ёшларимиз “маънавий портрети” — маънавий қиёфасини аниқлай олмас эканмиз, бу борада бирор натижага эришиш қийин. Таъкидлаш лозимки, бу борада ҳам бугун ибратли қадам қўйилди — мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида **Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди.** Унинг вазифаси эса, мамлакатимиздаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, маънавий-маърифий соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича самарали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, пировард натижада жамият аъзоларининг маънавий эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Дарҳақиқат, маънавиятни англаш, аввало, инсонни англашдан иборат. Бу жуда мураккаб жараён. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида бир иборани кўп такрорламоқда. **Бу ҳар биримизнинг “ўзимизни қийнашимиз” билан боғлиқ фидойилиқдир.** Ҳақиқатан ҳам, бугун биз олдимизга қўйилган улкан вазифаларни, янги Ўзбекистонни барпо этишни кўп учидан қилган ҳаракатимиз билан амалга ошира олмаймиз. Бунинг учун ўзимизни қийнашимиз, фидойилик кўрсатишимиз, шижоатли бўлишимиз, ўз имкониятларимиздан тўлақонли фойдаланишимиз талаб этилади.

Гарчанд барчамиз ҳам табиятан доимо эркинликка, хотиржамликка, жоннинг роҳатини кўзлашга мойил бўлсак-да, болаликда берилган мукамал тарбия ва умримиз мобайнида эгаллаган хислатларимизга кўра, давлатни ривожлантириш, ҳаётимизни гуллаб-яшнаш масаласига турлича қараймиз. Ҳаёт роҳату фароғатдан иборат эмас. Барча моддий бойликлар қачондир инсон манфаати йўлида совурилиб, тугаб қолмаслиги учун ҳам ўз маънавий хислатларимизга таянишимиз лозим.

Шундай экан, истеъмоличлик, боқимандалик, тайёрига айёрлик кайфиятида юрган айрим юртдошларимизда бунёдкорлик туйғусини уйғотиш аллақачон давр заруратига айланган. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессансга қадам қўйиш, эркин ва фарован жамиятни қуриш фақат истак-хоҳиш билангина амалга ошмайди. Бунинг учун янгича тафаккур тарзимини шакллантириш, теварак-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни мушоҳада қилиш қўнимасига эга бўлиш, ижтимоий мўлжални тўғри олиш ўта зарур. Мазкур вазифаларни эса, маънавиятни англаш, демакки, инсонни онгли англаш натижасидагина амалга ошириш мумкин.

Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



РЕСПУБЛИКА ЁШ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ЗОМИН СЕМИНАР-АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

БУ ШУНДАЙИН АЖИБ ДИЁРДИР



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Шоирлар нима учун ёшлик, она, Ватан мавзусига кўп мурожаат қиладилар? Алишер Навоий бобомизнинг "Наводир уш-шабоб" — "Ёшлик нодирликлари" девонидан токи ҳазрати Бобурнинг "Баҳор айёмидур, дағи йигитликнинг авонидур" мисраси билан бошланиб, "Ғарибингга тараххум айлагилки, Андижонийдур" сатри билан якунлангувчи соғинчли ғазаллари битилган гўзал паллаларга қадар — нима сабабдан то ҳануз — ораликда шунча асрлар, юз йилликлар ўтганига қарамай, бедор қалблар, ошuftа кўнгилларни бугун ҳам ром этиб, жимирлатиб келаётган. Шеърятнинг илоҳий сехру жунуни, дилларни ўзига чорлаб махлиё этгувчи, ором ва ҳаловатдан айиргувчи, ҳам ғурур, ҳам сурурбахш жозибаси нимада?



"Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат, О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?"

дея армонли сатрларни битаркан, йигирма-йигирма бир яшар навқирон шоир, устоз Абдулла Ориповнинг ўша темир-бетон тузумлар исканжасида қалбидан, руҳи-вужудидан қандайин алам ва изтироблар кечганини бугун энди — янги давру замонлар шарофати билан тўлиқ англаб, ҳис қилиб турибмиз...

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки оғир пайтларига қарамай, ёш ижодкор

сифатида вилоятда юрган Асқад Мухторни Андижондан чақиртириб, ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилган Ҳамид Олимжон ҳақида, унинг тиниқ шеърляти, шоирлик сарчашмалари хусусида Асқад домла орадан қирқ йиллар ўтгач, мана бундай самимий дил сўзларини ёзиб қолдиради:

"Ҳамид Олимжон — бизнинг замондошимиз. У худди поэзиянинг ўзидек ҳамназми замони билан ҳаммаша барҳаётдир. Адабиётни у киши билан жондош этган катта поэзиянинг ялли фусункор кучини ҳаётнинг ҳар жабҳасида сезиб турибмиз. Ҳамид Олимжон мероси — мана шу катта маънавий бойлиқнинг ажралмас қисми, бизнинг миллий фахримиз. У жонажон заминнинг дарёлари, водийлари, боғлари сингари яна бир ажойиб саховатдир. Шоир она юрт ҳиссини шундай сезгирлик, шундай инсоний самимият билан туядики, беихтиёр ўйлаб қолсан: одамнинг табиат ва, умуман, борлиқ билан бундай узвий ва уйғун ҳолати бениҳоя юксак ижодий парвоз онларидоғина тўғиладиган бўлса керак. Водийларни яёв кезганда тўғиладиган ажиб ҳис ҳам шу бўлса керак. Замин нафасини, табиат нафасини бундай бевосита ҳис этиш уларнинг битмас-туганмас ҳаётбахш кучига жон риштаси билан боғланган кимсагагина насиб қилади!"

"Юксак ижодий парвоз онлари" ўша қаттол ва қабоҳат тузум шароитида Ҳамид Олимжондек улкан қалб эгасига осонликча берилмаганини бугун энди яхши англаймиз. Асқад домла юқорида келтирганимиз иқтибоснинг давомида "Давру уни инсон маънавияти зилзилаларида имтиҳон қилди, уларни идрок этишига қадирди", деган нозик бир нуктага ҳам эътибор қаратадики, бунга устоз Абдулла Ориповнинг "Ҳамид Олимжон тахдидларга тўла мураккаб бир замонда ижод қилди, фаолият юритди", деган сўзлари изоҳ бўлиши мумкин.

Келтирилган мисоллар йил-саналарига қараб, тартиб билан тизиб чиқилса, агар ораликда саксон йиллар — салкам бир асрлар чамаси муддат кечганини кўрамиз.

Жиззах номи, бу қадим ва муқаддас сарзаминнинг таърифу тавсифлари кўҳна тарих китоблари, солномада келганлиги билан ҳам ниҳоятда қадридли. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз йил усти неча мартаба қўниб ўтгани, у улуг зотнинг беназир тарихнависи Шаррафиддин Али Яздий ҳазратларининг "Зафарнома" китобларида меҳр билан тилга олингани бу табаррук тупроқнинг мақоми ва мавқеидан далолат беради. Тақрор бўлса ҳам айтиш жоизки, шох ва шоир — "шоирлиги шоҳлигидан, шоҳлиги шоирлигидан улуг" ҳазрат Заҳриддин



Мухаммад Бобур умри ва ҳаётининг энг навқирон ва серташвиш паллаларида бошига иш тушган қийин давларда Жиззах тупроғида уч-тўрт кун тўқинлик ва осойишталик топганини, амонлиғ ва фароғатга эришганини алоҳида мамнуният билан хотирлайди. "Бобуронома"нинг "1501-1502 йил воқеалари" фаслида келтирилган тафсилотлар бу миннатдорлик ва эътирофни тасдиқлаб турибди.

"Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин!"

Бугунги давлатимиз раҳбарининг ўтган XX асрнинг тугай-туғай деб турган охириги йилларида айтган оташин ва даъваткорона сўзлари худди ҳозир, тонг саҳарда ниҳат қилингандай — камрови ва залвори, мазмун-моҳияти жиҳатидан миллат ёшларининг истиқболлини белгилаб берувчи бу муъжазгина табрик-тилакни ўқиганимиз ёхуд эшитганимизга ҳамон беихтиёр бир тўп қалдирғоч чарх уриб учгандай, руҳингиз айвонлари бирданига қалдирғоч-сандувоқларнинг вижир-вижирга тўлиб, вужуд-вужудингизда илоҳий бир ҳолат, самовий бир кайфият зоҳир бўлганини илғайсиз.

Бу қалдирғочларни сиз Тошкентдаги Адиллар хиёбонининг баланд айвонидоғи Навоий бобо ёдгорлик-мажмуи пойида ҳам, Ҳамид Олимжон ва Зулфия опанинг ҳам, Мухаммад Юсуф, Абдулла ака, Эркин акаларнинг ҳайкаллари тегралида ҳам кўрган эдингиз. Бу қалдирғочлар мамлакатимиздаги барча ижод мактабларининг синфхоналарида бугун вижир-вижир дарс ўтмоқда, Ватан адабиётидан сабоқ олмақда.

Инчунин, "Зомин қалдирғочлари" иборасининг бутун мамлакатда тилдан-тилга овоза бўлиб, ёш кўнгилларнинг сурур ва орзу-ҳаваси билан ҳамоҳанг янграётганига ҳам ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ.

Юқорида тамсил келтирганимиз иқтибосни Президентимиз бундан салкам чорак аср муқаддам, 1997 йилда Жиззах вилоятининг раҳбари сифатида ўз ташаббус ва хайрихоҳлиги билан ташкил этилган Республика ёш ижодкорларининг биринчи Зомин семинар-кенгаши иштирокчилари шарафига айтганини яна бир қарра алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз, деб ўйлаймиз.

Орадан қанча замонлар, вақтнинг шафқатсиз сувлари оқиб ўтган бўлса-да, Уриқлисий сувлари ҳамон ўша-ўша — мавжланиб-тўлқинланиб, шаркираб, тошқин солиб оқаётир. Боиси, ёшлик фасли тез ўтиши мумкин, аммо ёшлик — ёшлик сурури ва шуқуҳи ҳеч қачон қаримайди!

Аму билан Сирдан сув ичган,
Зарафонни пойлатиб кечган,
Чавандозлар бордир бу элда,
Баҳор чоғи пишқирган селда
Аргумоқлар қўшиғи бордир,
Бу шундайин ажиб диёрдир.

Яқиндагина Андижонда Заҳриддин Мухаммад Бобур номидоғи марказий кутубхонага ташрифи маҳалида давлатимиз раҳбари шоирларга, ижод аҳлига мурожаат қиларкан: "Қани ёниқ шеърлар, Бобур ҳақида, Ҳамид Олимжон, Мухаммад Юсуф ҳақидаги бугунги шоирларимизнинг асарлари, ўтли шеър дostonлари қани?" дея жуъли саволни қўндаланг қўяр экан, барча ижод аҳли, айниқса, ёш истеъдодларга адабиётимизнинг улуг намоёндалари, жумладан, уларнинг ҳар бир асари — шеъри ё достонининг ёзилиш тарихи ҳақида ҳам мактабларда, дарс ва машғулотларда муфассал ўқитиб-ўргатишни кенг йўлга қўйиб, Ватан адабиётини билиш, англаш йўлида бу дарсларнинг нечоғлиқ катта аҳамияти борлигини алоҳида таъкидлаб айтгани бежиз эмас, албатта.

Устоз Абдулла Орипов Ватан мавзуси ҳақида гапираркан, Ҳамид Олимжон шеърлятини Зоминнинг хушманзара тоғу тошлари, сувлари бетақрор кўрку чиройига қиёс қилар, бир ҳикматини қайта-қайта таъкидлашни яхши кўрарди: "Буюк алломаларни, йирик давлат арбобларини берган, адабиётимизга улуг шоир ва адилларни тўғфа қилган Жиззах тупроғи олтин қонига ўхшайди. Бинобарин, олтин қонидан фақат олтин чиқиси мумкин, бошқа маздан чиқмайди!"

Ҳақиқатан ҳам, устозларимиз адабиётни Ватан тушунчаси, Ватан туйғусидан айро-айро ҳолда тасаввур қилмас, адабиёт деганда Ватанни, Ватан деганда адабиётни тушунар эдилар.

Президентимиз раҳбарлигида бугун биз янги Ўзбекистонимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини қўяр эканмиз, буюк ва улугвор давру замонларнинг ёш ва навқирон насллари қалбидоғи улуг зотларнинг ўлмас ҳикматларини жойлаб-синдириб борши муқаддас бурчимиз эканини унутмаслигимиз керак. Ватан адабиёти — буюк ва қудратли тушунча, бу туйғуни қалбларга, ёш кўнгилларга Ватан меҳри янглиғ тарбиялаб, камол топтириш уни икки қарра қудратлироқ кучга айлантира оладик, бунга бугунги янги давру замонимиз, мамлакатимиз ёшларининг Зомин тоғларидайдой юксак орзу ва умидлари, дарёлардай тошқин сурур ва ғурурлари гувоҳлик бериб турибди.

ЗОМИН МАНЗУМАСИ

(Мирзо Кенжабек ғазалига муҳаммас)

Она юртнинг барча меҳру шафқати Зоминдадир,
Ота элнинг эзгу ранжу заҳмати Зоминдадир,
Ёш кўнгиллар тошқини ҳам шиддати Зоминдадир,
Ушбу кун аҳли адабнинг ҳайъати Зоминдадир,
Шеърят, лутфу зарофат санъати Зоминдадир.

Ўзни тоғгай ким агар — илму тарқат излагай,
То абад инсон адолат ҳам ҳақиқат излагай,
Тоғлар ичра қўҳна дунё ҳикмати Зоминдадир.

Шунда унмиш ақлу идроку тафаккур бирла онг,
Нур-зиёси бўлмаса эл кўнглида отгайми тонг?
Хоки пойин кўза суртгил — гар атондир, гар анонг,
Ёгса жомеъ-маскид ичра маърифат нури, не тонг,
Маърифатли оналарнинг марқади Зоминдадир.

Ҳар ўғил-қиз токи бунда мавжланиб ашъор дегай,
Аслида шеър ғазалимас, сехр ила асрор дегай.
Бунда ҳар эзгу ниятга бахту толе ёр дегай,
Бир Ватанким, васфи зотин Ҳайрат ул-аброр дегай,
Не ажаб, чун яхшиларнинг ҳайрати Зоминдадир.

Гул қидирганлар жаҳонда гоҳи гар ул топмагай,
Вой анинг холигаким, пул тоғгаю шул топмагай:
Яъни мол-дунё топиб, лек битта кўнгул топмагай,
Нафрату кийну адоват бунда ҳеч йўл топмагай,
Чун муҳаббат аҳлининг дил даъвати Зоминдадир.

Бунга ҳар ошuftа дил наъшу намо истаб келур,
Бенаво бўлса агар назму наво истаб келур.
Кўнгли хуфтон бўлса ким, субҳи сабо истаб келур.
Кўксига кимки ҳаво излаб, даво истаб келур,
Пох ҳавога зор кўнгулнинг сиххати Зоминдадир.

Соилари дупдул баёну сувлари булбул забон,
Ойлари оромшону тунлари жонинга жон,
Давру даврон менга шулдир, сенга шул — давру замон.
Ер юзида иззат излаб кезмагай Мирзо жаҳон,
Чунки бул бедор юракнинг иззати Зоминдадир.

Шунда тушмиш ерга пок Парвардигордин соялар,
Тарбият топмиш шу элда мангу юксак гоялар.
Боши узра ою офтоб меҳри нурпош доялар,
Минг асрлардин гапиргай дов-дарахт, тош-қоялар,
Ё қадим эл давлатининг дастхати Зоминдадир.

Еру осмон, бори оламнинг буюк Меъмори бор,
Инчунин давру замон ҳам элнинг ўз сардори бор,
Бўйлашуру олам билан токи қаторда нори бор,
Ҳар Ватаннинг бир маконда шону шавкат, ори бор,
Ўзбекистон давлатининг Шавкати Зоминдадир.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2097.
78817 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳис: Ойдин Аллутдинова

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй